



## **ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING QONUNI**

### **«Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 9 августда  
қабул қилинган  
Сенат томонидан 2022 йил 7 октябрда  
маъқулланган

Кейинги йилларда «Инсон қадри учун» тамойили асосида инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, халқ билан очик мулоқот механизмларини янада такомиллаштириш, жамият ҳаётига оид муҳим ҳужжатларни жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда қабул қилиш амалиётини жорий этиш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

«Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига географик объектларга ном беришда маҳаллий аҳолининг фикрини ҳисобга олиш назарда тутилган, бироқ бу жараёни амалга ошириш тартиби, шунингдек фуқароларнинг географик объектларга ном бериш бўйича ташаббусларни илгари суриш ваколатлари ушбу Қонунда кўзда тутилмаган.

Шунингдек амалдаги қонунчиликда географик объектларга Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини беришга доир нормалар ҳам очиқ берилмаган.

Бундан ташқари, таркибида туманлар мавжуд бўлган шаҳарларда географик объектларга ном бериш ваколати халқ депутатлари туман Кенгашларига берилганлиги ушбу йўналишдаги фаолиятни самарали мувофиқлаштириш ҳамда қонунчиликнинг аниқ ва бир хилда қўлланилишини таъминлашга тўсқинлик қилмоқда.

Юқорида келтирилган масалаларни ҳал этишга қаратилган мазкур Қонун билан «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига бир қатор янги нормалар ҳамда тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, ушбу Қонун билан географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартиришда маҳаллий аҳолининг фикри давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ҳисобга олиниши белгиланмоқда.

Қонунда фуқароларга аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида таклифлар киритиш ваколатини белгилашга қаратилган, шунингдек таркибида туманлар мавжуд бўлган шаҳарларда аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш туманлар ҳокимлари киритган таклифларга асосан халқ депутатлари шаҳарлар Кенгашлари томонидан амалга оширилишини назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда.

Шу билан бирга аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини бериш уларнинг вафотидан кейин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори асосида ҳамда, қоида тариқасида, номлари мавжуд бўлмаган объектларга нисбатан амалга оширилиши белгиланмоқда.

Ушбу Қонун географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тизимини янада такомиллаштириш, ушбу жараёнда фуқаролар иштирокининг ҳуқуқий асосларини яратиш, Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг номларини абадийлаштириш мақсадида аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига ном бериш механизмларини аниқлаштириш учун хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 октябрда қабул қилинган «**Географик объектларнинг номлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–303-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 10, 273-модда; 2017 йил, № 8, 383-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **4-модда:**

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шохкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) айрим одамларнинг, жамоат арбобларининг, сиёсий арбобларнинг исми-шарифини беришга, қоида тариқасида, йўл қўйилмайди, бундан Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахслар мустасно»;

**еттинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бир туман, шаҳар доирасидаги, таркибида туманлар мавжуд бўлган шаҳар ёки аҳоли пункти доирасидаги бир нечта турдош географик объектга»;

2) қуйидаги мазмундаги **4<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«4<sup>1</sup>-модда. Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартиришда маҳаллий аҳолининг фикрини ҳисобга олиш**

Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида таклифлар тайёрлаш жараёнида маҳаллий аҳолининг фикри ҳисобга олинади.



Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартиришда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан маҳаллий аҳолининг фикри ҳисобга олинади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларни келиб тушганидан кейин муҳокама қилиш учун уларни беш иш кунидан кечиктирмай ўз расмий нашрларида, расмий веб-сайтларида, шунингдек оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Таклифларнинг муҳокамасини ўтказиш муддати географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифлар эълон қилинган санадан эътиборан ўн беш кундан кам бўлмаслиги керак.

Маҳаллий аҳоли географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларга нисбатан ўз фикрини оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда яқка тартибда ёки жамоа бўлиб билдириши мумкин. Бунда шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, шунингдек унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларга нисбатан аҳолидан келиб тушган фикрларни умумлаштиради ҳамда бу фикрларни географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича тегишли комиссияга киритади, мазкур комиссия хулоса тайёрлаш чоғида бу фикрларни ҳисобга олади»;

### 3) 10-модданинг:

**биринчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шохкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш фуқароларнинг ташаббуслари, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг илтимосномаларига асосан туманлар, шаҳарлар ҳокимлари киритган таклифга кўра халқ депутатлари туманлар, шаҳарлар Кенгашлари томонидан, таркибида туманлар мавжуд бўлган шаҳарларда эса туманлар ҳокимлари киритган таклифларга кўра халқ депутатлари шаҳарлар Кенгашлари томонидан амалга оширилади, бундан ушбу Қонуннинг 10<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

**учинчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Туман, шаҳар ҳокими фуқароларнинг ташаббусларини, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шохкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги илтимосномаларини кўриб чиқади ҳамда уларни зарур ҳужжатлар билан бирга таклифлар тайёрлаш учун туман, шаҳар комиссиясига юборади»;



**бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Туман, шаҳар ҳокими аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги туман, шаҳар комиссияси томонидан кўриб чиқилган таклифларни тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар комиссиясига юборади, комиссия тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳар томонлама ўрганилишини ташкил этади, шундан сўнг уларни географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нуктаи назаридан давлат экспертизасидан ўтказиш учун Кадастр агентлигига топширади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар комиссияси амалга оширилган ишларнинг яқунларига кўра ҳамда давлат экспертизаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тегишли хулоса беради, ушбу хулоса аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида таклиф киритган туман, шаҳар ҳокимига юборилади»;

4) қуйидаги мазмундаги **10<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«10<sup>1</sup>-модда. Аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини бериш**

Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини бериш уларнинг вафотидан кейин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан ҳамда, қоида тарикасида, номлари мавжуд бўлмаган аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига нисбатан амалга оширилади.

Туман, шаҳар ҳокими аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини бериш тўғрисидаги фуқаролар ташаббусларини, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг илтимосномаларини кўриб чиқади ҳамда уларни зарур ҳужжатлар билан бирга таклифлар тайёрлаш учун туман, шаҳар комиссиясига юборади.

Туман, шаҳар комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни уларнинг географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нуктаи назаридан кўриб чиқади, кейинчалик тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар комиссиясига киритиш учун таклифлар тайёрлайди, шунингдек уларни туман, шаҳар ҳокимига юборади.



Туман, шаҳар ҳокими туман, шаҳар комиссияси томонидан кўриб чиқилган аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шохкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини бериш тўғрисидаги таклифларни тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар комиссиясига юборади, комиссия тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳар томонлама ўрганилишини ташкил этади ва уларни географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нуқтаи назаридан давлат экспертзасидан ўтказиш учун Кадастр агентлигига топширади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар комиссияси амалга оширилган ишларнинг яқунларига кўра ҳамда давлат экспертзаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тегишли хулоса беради, ушбу хулоса Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига юборилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шохкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини бериш тўғрисидаги таклифни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси билан келишади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимлари аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шохкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини бериш тўғрисидаги илтимосномани, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар комиссиясининг хулосасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларининг аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шохкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини бериш тўғрисидаги илтимосномаларини кўриб чиқади ҳамда уларни зарур ҳужжатлар билан бирга хулоса олиш учун республика комиссиясига юборади.

Республика комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни ҳар томонлама ўрганиб чиқади ва тегишли хулоса беради, ушбу хулоса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шохкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини бериш тўғрисида республика комиссиясининг хулосасини ҳисобга олган ҳолда таклифлар тайёрлайди



ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Президентига кўриб чиқиш учун киритади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифларини кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг тоифаларини аниқлаш мезонлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

5) **14-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларнинг давлат экспертизаси:

республика комиссияси томонидан – туманлар, шаҳарлар, вилоятларга, табиий объектларга, транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларга нисбатан;

Қорақалпоғистон Республикаси комиссияси томонидан – Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларга, аҳоли пунктларига ҳамда уларнинг таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларга нисбатан;

вилоятлар комиссиялари томонидан – шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларга, аҳоли пунктларига ҳамда уларнинг таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларга нисбатан;

Тошкент шаҳар комиссияси томонидан – аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларга нисбатан тайинланади»;

б) **15-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«тегишли географик объект жойлашган ҳудудда яшовчи маҳаллий аҳолининг фикрини ўрганишга оид ҳужжатлар»;

**тўртинчи – еттинчи хатбошилари** тегишинча **бешинчи – саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти



**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри,  
2022 йил 2 ноябрь  
№ ЎРҚ–799



## **ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING QONUNI**

---

### **О внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан «О наименованиях географических объектов»**

Принят Законодательной палатой 9 августа 2022 года  
Одобен Сенатом 7 октября 2022 года

В последние годы на основе принципа «Во имя чести и достоинства человека» осуществляются последовательные реформы по обеспечению прав и интересов человека, дальнейшему совершенствованию механизмов открытого диалога с народом, внедрению практики принятия важных документов, касающихся общественной жизни, с учетом общественного мнения.

В Законе Республики Узбекистан «О наименованиях географических объектов» предусматривается учет мнения местных жителей при присвоении наименований географическим объектам, однако порядок осуществления этого процесса, а также полномочия граждан по выдвижению инициатив по присвоению наименований географическим объектам этим Законом не предусмотрены.

В действующем законодательстве также не раскрывается порядок присвоения географическим объектам имен личностей, оставивших глубокий след в истории Узбекистана или мира.

Кроме того, предоставление районным Кенгашам народных депутатов полномочий по присвоению наименований географическим объектам в городах, имеющих в составе районы, препятствует эффективной координации деятельности в этом направлении и обеспечению четкого и единообразного применения законодательства.

Данным Законом, направленным на решение вышеуказанных вопросов, в Закон Республики Узбекистан «О наименованиях географических объектов» вносятся ряд новых норм и соответствующие изменения и дополнения. В частности, настоящим Законом устанавливается, что при присвоении наименований и переименовании географических объектов мнение местного населения учитывается органами государственного и хозяйственного управления и соответствующими органами исполнительной власти на местах.



Закон направлен на определение полномочий граждан по внесению предложений о присвоении наименований и переименовании составных частей населенных пунктов, а также вносятся изменения, предусматривающие, что присвоение наименований и переименование составных частей населенных пунктов в городах, имеющих в составе районы, осуществляются городскими Кенгашами народных депутатов на основании предложений, внесенных хокимами районов.

Вместе с тем определяется, что присвоение составным частям населенных пунктов имен личностей, оставивших глубокий след в истории Узбекистана или мира, осуществляется посмертно на основании решения Президента Республики Узбекистан по предложению Кабинета Министров Республики Узбекистан и, как правило, в отношении объектов, которые не имеют наименований.

Настоящий Закон служит дальнейшему совершенствованию системы присвоения наименований и переименования географических объектов, созданию правовых основ участия граждан в этом процессе, уточнению механизмов присвоения наименований составным частям населенных пунктов в целях увековечения имен личностей, оставивших глубокий след в истории Узбекистана или мира.

**Статья 1.** Внести в Закон Республики Узбекистан от 12 октября 2011 года № ЗРУ–303 «**О наименованиях географических объектов**» (Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2011 г., № 10, ст. 273; 2017 г., № 8, ст. 383; 2021 г., приложение к № 4, № 8, ст. 800) следующие изменения и дополнения:

1) в **статье 4**:

**часть третью** изложить в следующей редакции:

«Присвоение составным частям населенных пунктов (махалли, проспекты, улицы, площади, парки, скверы) имен отдельных людей, общественно-политических деятелей, как правило, не допускается, за исключением личностей, оставивших глубокий след в истории Узбекистана или мира»;

**абзац четвертый части седьмой** изложить в следующей редакции:

«нескольким однородным географическим объектам в пределах одного района, города, города, имеющего в составе районы, или населенного пункта»;

2) дополнить **статьей 4<sup>1</sup>** следующего содержания:

**«Статья 4<sup>1</sup>. Учет мнения местного населения при присвоении наименований и переименовании географических объектов**

В процессе подготовки предложений о присвоении наименований и переименовании географических объектов учитывается мнение местного населения.

При присвоении наименований и переименовании географических объектов органами государственного и хозяйственного управления, соответствующими органами исполнительной власти на местах учитывается мнение местного населения.

Органы государственного и хозяйственного управления, соответствующие органы исполнительной власти на местах публикуют предложения о присвоении наименований и переименовании географических объектов для обсуждения в своих официальных изданиях, на официальных веб-сайтах, а также в средствах массовой информации не позднее пяти рабочих дней со дня их поступления.

Срок проведения обсуждения предложений о присвоении наименований и переименовании географических объектов должен быть не менее пятнадцати дней с даты опубликования.

Местное население в отношении предложений о присвоении наименований и переименовании географических объектов может выражать свое мнение индивидуально или коллективно в устной, письменной либо электронной форме. При этом указываются фамилия, имя, отчество лица, а также сведения о его месте жительства.

Органы государственного и хозяйственного управления, соответствующий орган исполнительной власти на местах обобщают мнения, поступившие от местного населения в отношении предложений о присвоении наименований и переименовании географических объектов, и вносят их в соответствующую комиссию по вопросам присвоения наименований и переименования географических объектов, которая учитывает их при подготовке заключения»;

**3) в статье 10:**

**часть первую** изложить в следующей редакции:

«Присвоение наименований и переименование составных частей населенных пунктов (махалли, проспекты, улицы, площади, парки, скверы) осуществляются Кенгашами народных депутатов районов, городов по предложению хокимов районов, городов, а в городах, имеющих в составе районы, – Кенгашами народных депутатов городов по предложению хокимов районов, внесенному на основании инициатив граждан, а также ходатайств органов самоуправления граждан, предприятий, учреждений, организаций, за исключением случаев, предусмотренных статьей 10<sup>1</sup> настоящего Закона»;

**часть третью** изложить в следующей редакции:

«Хоким района, города рассматривает инициативы граждан, а также ходатайства органов самоуправления граждан, предприятий, учреждений, организаций о присвоении наименований и переименовании составных частей населенных пунктов (махалли, проспекты, улицы, площади, парки, скверы) и направляет их вместе с необходимыми



документами для подготовки предложения в комиссию района, города»;

**часть пятую** изложить в следующей редакции:

«Хоким района, города направляет предложения о присвоении наименований и переименовании составных частей населенных пунктов (махалли, проспекты, улицы, площади, парки, скверы), рассмотренные комиссией района, города, соответственно в комиссию Республики Каракалпакстан, области, города Ташкента, которая организует всестороннее изучение представленных документов, после чего передает их в Агентство по кадастру для проведения государственной экспертизы на предмет их соответствия требованиям законодательства о наименованиях географических объектов. По итогам проведенной работы и с учетом результатов государственной экспертизы комиссия Республики Каракалпакстан, области, города Ташкента выдает соответствующее заключение, которое направляется хокиму района, города, внесшему предложение о присвоении наименований и переименовании составных частей населенных пунктов»;

4) дополнить **статьей 10<sup>1</sup>** следующего содержания:

**«Статья 10<sup>1</sup>. Присвоение составным частям населенных пунктов имен личностей, оставивших глубокий след в истории Узбекистана или мира**

Присвоение имен личностей, оставивших глубокий след в истории Узбекистана или мира, осуществляется посмертно на основании решения Президента Республики Узбекистан по предложению Кабинета Министров Республики Узбекистан и, как правило, в отношении составных частей населенных пунктов, которые не имеют наименований.

Хоким района, города рассматривает инициативы граждан, ходатайства органов самоуправления граждан, предприятий, учреждений, организаций о присвоении составным частям населенных пунктов (махалли, проспекты, улицы, площади, парки, скверы) имен личностей, оставивших глубокий след в истории Узбекистана или мира, и направляет их вместе с необходимыми документами для подготовки предложений в комиссию района, города.

Комиссия района, города рассматривает представленные документы на предмет их соответствия требованиям законодательства о наименованиях географических объектов, подготавливает предложения для последующего внесения соответственно в комиссию Республики Каракалпакстан, области, города Ташкента, а также направляет их хокиму района, города.

Хоким района, города направляет предложения о присвоении составным частям населенных пунктов (махалли, проспекты, улицы, площади, парки, скверы) имен личностей, оставивших глубокий след

в истории Узбекистана или мира, рассмотренные комиссией района, города, соответственно в комиссию Республики Каракалпакстан, области, города Ташкента, которая организует всестороннее изучение представленных документов, после чего передает их в Агентство по кадастру для проведения государственной экспертизы на предмет их соответствия требованиям законодательства о наименованиях географических объектов. По итогам проведенной работы и с учетом результатов государственной экспертизы комиссия Республики Каракалпакстан, области, города Ташкента выдает соответствующее заключение, которое направляется Совету Министров Республики Каракалпакстан, хокимамам областей и города Ташкента.

Председатель Совета Министров Республики Каракалпакстан согласовывает с Жокаргы Кенесом Республики Каракалпакстан предложение о присвоении составным частям населенных пунктов (махалли, проспекты, улицы, площади, парки, скверы) имен личностей, оставивших глубокий след в истории Узбекистана или мира.

Председатель Совета Министров Республики Каракалпакстан, хокимы областей, города Ташкента представляют в Кабинет Министров Республики Узбекистан ходатайство о присвоении составным частям населенных пунктов (махалли, проспекты, улицы, площади, парки, скверы) имен личностей, оставивших глубокий след в истории Узбекистана или мира, а также заключение комиссии Республики Каракалпакстан, области, города Ташкента.

Кабинет Министров Республики Узбекистан рассматривает ходатайства Председателя Совета Министров Республики Каракалпакстан, хокимов областей, города Ташкента о присвоении составным частям населенных пунктов (махалли, проспекты, улицы, площади, парки, скверы) имен личностей, оставивших глубокий след в истории Узбекистана или мира, и направляет их вместе с необходимыми документами для получения заключения в республиканскую комиссию.

Республиканская комиссия организует всестороннее изучение представленных документов и выдает соответствующее заключение, которое представляется в Кабинет Министров Республики Узбекистан.

Кабинет Министров Республики Узбекистан с учетом заключения республиканской комиссии подготавливает предложения о присвоении составным частям населенных пунктов (махалли, проспекты, улицы, площади, парки, скверы) имен личностей, оставивших глубокий след в истории Узбекистана или мира, и вносит их на рассмотрение Президенту Республики Узбекистан.

Президент Республики Узбекистан рассматривает предложения Кабинета Министров Республики Узбекистан и принимает соответствующее решение.



Критерии определения категорий личностей, оставивших глубокий след в истории Узбекистана или мира, устанавливаются Кабинетом Министров Республики Узбекистан»;

5) **часть вторую статьи 14** изложить в следующей редакции:

«Государственная экспертиза предложений о присвоении наименований и переименовании географических объектов назначается:

республиканской комиссией – в отношении предложений о присвоении наименований и переименовании районов, городов, областей, природных объектов, объектов транспортной и инженерно-технической инфраструктуры;

комиссией Республики Каракалпакстан – в отношении предложений о присвоении наименований и переименовании районов, городов, поселков, кишлаков, аулов, населенных пунктов, а также составных частей населенных пунктов, расположенных на территории Республики Каракалпакстан;

комиссиями областей – в отношении предложений о присвоении наименований и переименовании поселков, кишлаков, аулов, населенных пунктов, а также составных частей населенных пунктов;

комиссией города Ташкента – в отношении предложений о присвоении наименований и переименовании составных частей населенных пунктов»;

б) **в части первой статьи 15:**

дополнить **абзацем четвертым** следующего содержания:

«документы по изучению мнения местного населения, проживающего на территории, на которой расположен соответствующий географический объект»;

**абзацы четвертый – седьмой** считать соответственно **абзацами пятым – восьмым**.

**Статья 2.** Государственному налоговому комитету Республики Узбекистан и другим заинтересованным организациям обеспечить исполнение, доведение до исполнителей и разъяснение среди населения сути и значения настоящего Закона.

**Статья 3.** Кабинету Министров Республики Узбекистан:

привести решения правительства в соответствие с настоящим Законом;

обеспечить пересмотр и отмену органами государственного управления их нормативно-правовых актов, противоречащих настоящему Закону.

**Статья 4.** Настоящий Закон вступает в силу со дня его официального опубликования.

**Президент  
Республики Узбекистан**



**Ш. Мирзиёев**

город Ташкент,  
2 ноября 2022 года  
№ ЗРУ–799